

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСАЛАСИНИ ИЛМИЙ ҶҲГАНИШ АНЪАНАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7879036>

Davurova Go'zal Akbarovna

Jizzax davlat pedagogika universiteti tadqiqotchisi

Ҳозирга қадар, психологик тадқиқотларда инсон онгининг кўплаб имкониятлари ўрганилган бўлсада, бироқ, ҳанузгача инсоннинг қарор қабул қилиш хусусиятини тушунтирувчи ягона ёндашув мавжуд эмас. Мазкур масалада кўплаб соҳа вакиллари ўз ғояларини айтаётган бўлса, аммо уларнинг ғоялари, қарор қабул қилиш жараёнини тўлиқ таърифлаш учун етарли эмасдир. Қоидага кўра, ҳар қандай касбда муваффақият нафақат қобилият, кўникма, билимга, балки қарор қабул қилиш мотивациясига ҳам узвий боғлиқ саналади. Бундан ташқари, ютуқ мотивацияси юқори бўлган одамлар ўз мақсадларига эришиш учун кўпроқ меҳнат қилади қолаверса улар касбий фаолиятда самарали қарорлар чиқарувчи шахслар ҳам саналади. Умуман олганда, психология, социология ва ижтимоий педагогика соҳаларида “қарор қабул қилиш” феноменини ўрганишнинг ўзига хос анъаналари мавжуд бўлиб, Д.Блекуэлл уни қуйидаги даражаларга ажратади⁸¹:

- Муваффақиятга эришишнинг аҳамияти⁸²;
- Муваффақиятга умид қилиш ҳисси;
- Муваффақиятга эришиш эҳтимолини субъектив баҳолаш⁸³;
- Муваффақиятнинг субъектив стандартлари ва ҳоказо.

Юқорида ажратиб ўтилган даражаларнинг мазмунидан шу нарса маълум бўладики, муваффақиятга эришиш мотивациясига эга бўлган шахслар, доимо муаммонинг энг яхши ечимини топишга ҳаракат қилишадилар. Бироқ, улар қарор қабул қилиш вазиятларида жуда мураккаб ва жуда осон усулларни рад этадилар. Яъни муваффақият мотивацияси -

⁸¹ Блекуэлл Д. Теория игр и статистических решений / Д. Блекуэлл, И. А. Гиршик. – М.: вт. Изд-во «ПРИНТ», 2007. – 374 с.

⁸² Корнилова Т.В. Методологические проблемы психологии принятия решений //Психологический журнал. Том 26. - 2005. - №1. - С.7-17.

⁸³ Балдин К.В., Воробьев С.Н., Уткин В.Б. Управленческие решения: учебник.- М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и КО», 2006. – С.80.

инсонни ўзини ўзи бошқариш субъекти сифатида ва касбий қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган шахс сифатида намоён этади.

Инсоннинг қарор қабул қилиш соҳасига оид ёндошувларни аниқлаштириш масаласида ҳам ўзига хос тадқиқотлар амалга оширилган. Бунга мисол сифатида, Ю.Козелецкий томонидан амалга оширилган тадқиқотларни асос қилиб олиш мумкин. Муаллиф қарор қабул қилиш жараёнига тегишли тўрт босқични аниқлади⁸⁴:

– Вазифанинг субъектив ғоясини яратиш;

– Муқобил қарорларнинг оқибатларини баҳолаш⁸⁵;

– Муқобил қарорлар қабул қилишда самарадорликни белгиловчи шарт-шароитларни прогнозлаш;

– Кўриб чиқилган алтернативаларни танлаш асосида, қарор қабул қилиш. Ю.Козелецкий ўзининг ушбу таснифи орқали, ақлий қарор қабул қилиш тартибининг мезонларини назарда тутиб, унда ҳар бир босқичга тегишли психологик хусусиятларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Қарор қабул қилгандан сўнг, субъект муқобил усулларни, муаммони ҳал қилиш йўллари саралашни (баҳолашни) бошлайди. Қарор қабул қилишнинг ушбу босқичида, субъектнинг аналитик тафаккури жуда муҳимдир. Қарор қабул қилиш, қоида тариқасида, муайян фаолиятда натижага, муваффақиятга эришишга қаратилган жараёндир. Я.Р. Рейльян бошқалардан фақли ўлароқ, самарали қарор қабул қилишга хизмат қилувчи, қуйидаги шахслик сифатларини ажратиб ўтади⁸⁶:

– Юқори натижаларга эришиш истаги (муваффақиятлилик);

– Ҳамма нарсани иложи борича яхшироқ қилиш истаги⁸⁷;

– Мураккаб вазифаларни танлаш ва уларни бажариш истаги;

– Ўз малакасини ошириш истаги.

– Муваффақиятсизликка йўл қўймаслик учун, баъзи инсонлар энг осон йўлни танлайдилар. Бундай ҳолатда, муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизликка йўл қўймаслик мотивлари ўзгарувчилар бўлиб, улар ўз-ўзини ҳурмат қилиш, инсоннинг қадриятлари тизими, ундаги даъвогарлик даража ва бошқа психологик хусусиятлар билан тавсифланади. Баъзи илмий

⁸⁴ Козелецкий Ю. Психологическая теория решений. М: вт. изд. Принт, 2013. – С.28.

⁸⁵ Ларичев О.И., Мошкович Е.М. Качественные методы принятия решений: Вербальный анализ решений. М.: Наука, 1996. – 208 с.

⁸⁶ Рейльян Я.Р. Аналитическая основа принятия управленческих решений. М.: Финансы и статистика, 1989. – 206 с.

⁸⁷ Плаус С. Психология оценки и принятия решений.— М: Информационно-издательский дом «Филинь», 1998. – С.79.

манбаларда, қарор қабул қилиш ходисаси, ноаниқ вазиятларда дастлабки ахборотларни ўзгартириш асосида, мақсад сари олиб борувчи хатти-ҳаракатлар изчиллигини шакллантиришнинг иродавий ходисса сифатида ҳам таърифланади. Л.Н.Карданскаянинг айтишича, қарор қабул қилиш жараёни бу – ирода кучи талаб этиладиган, уйлаб хулоса қилинадиган, баъзида таваккал қилиш орқали амалга ошириладиган мақсадли жараёндир. Шунинг учун, уни ирода ҳаракатлар кучига тенглаштирилади.⁸⁸ Бироқ, бизнингча тадқиқотлараро ўзига хосликликларни аниқлаш учун аввало, у билан боғлиқ яқин тушунчаларни аниқлаб олиш зарур. Қарор қабул қилиш феноменининг ижтимоий-фалсафий асослари кенг тадқиқ этилган бўлиб, ҳозирга қадар ушбу категорияга оид кўплаб фалсафий луғатлар чоп этилган.

А.В.Мендельнинг айтишича, қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган нарса - бу қатъиятчилик, яъни инсоннинг мустақил равишда масъулиятли қарорларни қабул қилиши ва уларни фаолиятида барқарор амалга ошириш қобилиятидир. Кўпинча, бундай ҳаракатлар маълум хавфли вазиятлар ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган муқобил ечимларни танлаш зарурати билан боғлиқ бўлган қийин вазиятларда яққол сезилади⁸⁹. Шунинг учун, қатъийлик сифати, қабул қилинган қарорлар учун, шахснинг масъулиятни ўз зиммасига олиши билан характерланади. Таъкид жоизки, ҳар бир муваффақиятли инсон албатта, қабул қилинган қарорнинг мақбул, самарали бўлишини хоҳлайди. Бироқ, бундай истакни рўёбга чиқариш учун, ҳеч бўлмаганда қарор қабул қилиш жараёнига таъсир қилувчи омилларни аниқлай олиши лозим. В.Л.Сендеров қарор қабул қилиш жараёнига таъсир этувчи омилларни тўрт гуруҳга ажратади⁹⁰:

- Ахборот омиллари – яъни бу ҳаракат объекти ҳақида, ижрочилар ва ҳаракат содир бўладиган шароитлар тўғрисидаги маълумотлар миқдори билан характерланади;

- Мотивацион омиллар – яъни субъектнинг қарор қабул қилиш мотивлари, унинг қизиқишлари, муносабатлари ва позициялари билан тавсифланади. Бундан ташқари ушбу омиллар таркибига, раҳбар шахснинг бошқалар билан бўладиган шахслааро муносабатлари тизими ҳам мавжуд;

⁸⁸Карданская Н.Л. Принятие управленческого решения. М.: ЮНИТИ, 1999. – С.68.

⁸⁹Мендель А. В. Модели принятия решений : учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлениям «Экономика» и «Менеджмент» / А. В. Мендель. – Москва : ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – С.132.

⁹⁰Сендеров В. Л. Методы принятия управленческих решений : учеб. пособие / В. Л. Сендеров, Т. И. Юрченко, Ю. В. Воронцова, Е. Ю. Бровцина. – Москва : ИНФРА-М, 2016. – С.58.

- Характерли омиллар ёки субъектнинг характер хусусиятлари ва коллегиял қарорлари – бу қарор қабул қилган гуруҳдаги муносабатлар характери, раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мутаносиблиги билан тавсифланади⁹¹;

- Технологик омиллар – бу раҳбарнинг маълум принциплар ва қоидаларга, технологик процедураларга риоя қилиш, қарор қабул қилиш усулларининг мавжуд арсеналидан фойдаланиш туфайли технологик омиллар. Демак, мазкур омиллар таъсири орыали инсон ыарор ыабул ыилиш жараёни моҳиятини пухта амалга ошира боради. Бошқарув қарорларини тадқиқ этишнинг ижтимоий-психологик масалалари А.Р.Урубковнинг изланишларида ҳам ўз аксини топган. Муаллифнинг айтишича, турли фаолиятда рационал мазмундаги қарорларни қабул қилиш жараёни беш босқични ўз ичига олади⁹²:

- Индикатив босқич – бунда муаммоли вазиятни аниқлаш ва унинг ечимларини аниқлаш кечади. Шахс шунини биладики, қарор тўғри ёки нотўғри бўлишига қарамадан уни қабул қилиш мажбур;

- Ахборот босқичи – юзага келган муаммо бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек ўзига хос вазиятларга боғлиқ бўлган тўсиқларни аниқланади;

- Ғояни ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш босқичи ва ҳоказо.

Тадқиқотчи томонидан берилган мазкур тасниф мазмунидан шу нарса аён бўладики, қарорлар бу шунчаки ғоя эмас, унда стратегик мақсадлар ва ғоялар акс этиши лозим. Ва бу барча масъул кишилар учун мақсадга мувофиқ саналган, қарор қабул қилиш малакаларида ўз аксини топиши керак. қарорларини ўрганишга оид илмий ёношувлар ва концепцияларда фақат ижтимоий-психологик масалалар эмас, бошқарув менежментига оид кўплаб долзарб муаммолар ҳам кўриб чиқилган. Чунки, фаолият жараёни нафақат ижтимоий-психологик муаммоларни балки, ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳам қамраб олади. Қарор қабул қилиш жараёнини ўрганишнинг илмий ўзига хос анъаналари, социология фанида ҳам ўз аксини топган.

- Қарор қабул қилаётган субъектнинг ҳолатига қараб;

- Ҳал қилинаётган муаммонинг қийинлигига қараб;

⁹¹Фейгенберг И. М. Вероятностное прогнозирование в деятельности человека / Иосиф Моисеевич Фейгенберг, Геннадий Евгеньевич Журавлев (ред.). – М. : Наука, 1977. – С.95.

⁹²Урубков А. Р. Методы и модели оптимизации управленческих решений : учебное пособие / А. Р. Урубков, И. В. Федотов. – Москва :ИД Дело РАНХиГС, 2015. – С.77.

- Мавжуд алтернатив ечимлар сонига қараб;
- Раҳбарнинг касбий ва шахсий фазилатларидан келиб чиқадиган.

Юқоридаги таснифга кўра, қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам берадиган технологиялари мавжуд, раҳбар бундан ўта оғир вазиятларда фойдаланиши мумкин. Шахснинг асосий муҳим вазифаси бу - бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни ижрочилар эътиборига тез ва аниқ етказишдан иборат. И.Н.Герчикованинг сўзларига кўра, қарор қабул қилиш жараёнининг ижтимоий – психологик мазмуни шундан иборатки, у ноаниқ шароитларда маълумотни ўзгартиришга асосланган, мақсадга эришишга олиб келадиган ва кетма-кет ҳаракатларни шакллантиришга қаратилган инсон иродавий ҳаракатининг маҳсулидир. Бундан ташқари, ҳар қандай фаолиятнинг йўналиши, истиқболи, фаолиятдаги инсонларнинг муваффақиятлари, ҳамкорликда ишлашнинг ютуқлари ҳамда биргаликдаги мақсадларнинг самарали кечиши бу, оқилона қабул қилинган қарорларнинг маҳсулидир⁹³. Социолог М.Эддоуснинг ёзишича, муҳим аҳамиятга эга қарорлар бошқа турдаги қарорлардан икки босқичли эканлиги билан фарқланади. Фаолият мобайнида, инсон доим иш тутиш кераклиги тўғрисида ўйлайди. Бундай қарор қабул қилиш ғояси мазмунида, соҳа эгаларининг қандай ҳаракат қилишлари ва уларнинг қарорга бўлган муносабатлари каби ҳам акс этади⁹⁴.

Хулоса қилиб айтганда, қарор қабул қилиш жараёнини ўрганиш ишлари ҳозирга қадар, “интеграцион” ҳарактерга эга масала саналиб, унга оид илмий ёндошувларни қатор ижтимоий фанлар соҳаларидаги тадқиқотларда учратиш мумкин. Шу боис, қарорларнинг ишлаб чиқиши фақатгина бир шахс манфаатларига эмас, бошқаларнинг мақсад ва истакларига ҳам йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. ¹ Блекуэлл Д. Теория игр и статистических решений / Д. Блекуэлл, И. А. Гиршик. – М.: вт. Изд-во «ПРИНТ», 2007. – 374 с.
2. ¹ Корнилова Т.В. Методологические проблемы психологии принятия решений // Психологический журнал. Том 26. - 2005. - №1. - С.7-17.

⁹³Герчикова И.Н. Процесс принятия и реализации управленческих решений. // Менеджмент в России и за рубежом, 2003. № 12. – С. 39 - 42.

⁹⁴Эддоус М., Стенсфилд Р. Методы принятия решений / Пер. с англ. / Под ред. И.И. Елисеевой. М.: Юнити, Аудит, 1997. – С.186.

3. ¹Балдин К.В., Воробьев С.Н., Уткин В.Б. Управленческие решения: учебник.- М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К0», 2006. – С.80.
4. ¹ Козелецкий Ю. Психологическая теория решений. М: вт. изд. Принт, 2013. – С.28.
5. ¹Ларичев О.И., Мошкович Е.М. Качественные методы принятия решений: Вербальный анализ решений. М.: Наука, 1996. – 208 с.
6. ¹ Рейльян Я.Р. Аналитическая основа принятия управленческих решений. М.: Финансы и статистика, 1989. – 206 с.
7. ¹ Плаус С. Психология оценки и принятия решений. – М: Информационно-издательский дом «Филинь», 1998. – С.79.
8. ¹Карданская Н.И. Принятие управленческого решения. М.: ЮНИТИ, 1999. – С.68.
9. ¹Фалсафа комусий луғат. Қ .Назаров таҳрири остида -Т.: Шарқ, 2004. – Б.174.
10. ¹Bandura A. Self-efficacy. The exercise of control / A. Bandura. – New York: Freeman and Co.,1997. – PP.56.
11. ¹ Гутман Г.В. Управление процессом. – М.: Финансы и статистика, 2008. – С.248.
12. ¹ Этциони Э. Простое решение / Э. Этциони // Эффективное принятие решений / Пер. с англ. – М. : Альпина Бизнес Букс, 2006. – С.49–60.